

## **THE IMPORTANCE OF DIDACTIC GAMES IN THE FORMATION OF INTERDISCIPLINARY TEACHING COMPETENCIES.**

**Babaeva Mahfuza Abduvaitovna**

Lecturer at the Termez Institute of Engineering and Technology

**Annotation.** According to world practice, in the digital economy, mechanisms for the development and improvement of education in general secondary schools on the basis of a competency-based approach have been implemented. In all developed countries, education is recognized as a key driver of sustainable development. Creating access to quality education throughout life is a priority.

**Keywords.** Competence, interdisciplinary, teaching, STEAM, experiment, observation, comparison, analysis and synthesis, generalization, concretization, classification, new pedagogical technologies.

## **Фанлараро таълим компетенцияларини шакллантиришда дидактик ўйинли дарсларнинг аҳамияти.**

**Бабаева Махфузা Абдувайтовна**

Термиз мұхандислик-технология институты үқитувчisi

**Аннотация.** Дунё амалиётiga кўра рақамли иқтисодиёт даврида умумий ўрта таълим мактабларида таълимни компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш ва такомиллаштириш механизмлари тадбиқ этилган. Барча ривожланган мамлакатларда таълим барқарор таррақиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилган. Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш долзарб вазифа этиб белгиланган.

**Калит сўзлар.** Компетенция, фанлараро, таълим, STEAM, тажриба, кузатиш, таққослаш, анализ ва синтез, умумлаштириш, конкретлаштириш, классификациялаш, янги педагогик технологиялар.

Компетенциявий ёндашув ва фанлар алоқадорлиги асосида умумий ўрта таълим мактабларида ўқитишиңи такомиллаштириш, ахборот технологиялари асосида таълим самарадорлигига эришиш, ўқувчилар ижодий тафаккурини ривожлантиришга оид замонавий таълим технологияларидан фойдаланиб бир қанча йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Инсонларнинг ҳаёти давомида, эгалланган билим, кўникмалардан ташқари шахсий фазилатларга, лаёқатларга талабнинг ортиши туфайли, XX аср охири - XXI аср бошида дунё илм-фани ва амалиётида, компетенциявий ёндашув асосида таълим бериш юзага келиши бунинг ёркин мисолидир. Таълим соҳасидаги компетенция - таълим мазмунини ҳаётий масалалар билан бойитиш, ўқув жараёнидаги топшириқларнинг фанлараро боғлиқлиги, таълимнинг таркибий қисмларнинг ўзаро таъсирининг ажralmas натижаси, мотивация, маълум бир фаолият турига қизиқиш мавжудлиги, муайян муаммони ҳал қилиш учун шахсий фикрларнинг мавжудлиги, ҳақиқий шахсий мақсадларни яратиш, режалар тузиш қобилияти билан боғлиқ мақсад, лойиҳалар тузиш, керакли натижага эришиш учун муайян харакатлар, фаолиятни ҳисобга олишни таъминлайдиган йўналиш, билим, кўникма, фаолият усуслари, ахборот саводхонлиги ҳаракатлари, қарорлар қабул қилиш каби қобилияtlарни шакллантирувчи функционал фаолиятдир. Дарс - мактаб таълим мининг асосий ташкилий шакли бўлиб, муайян микдордаги ўқувчилар таркиби билан қатъий тартибда уюштириладиган ва аниқ мақсадга йўналтирилган жараёндир. Дарс самараси ўқувчиларнинг тайёрлигини аниқлаш, уларни гурухларга ажратишда болаларнинг ёши ва мактабда қанча вақт ўқиганлигига эмас, балки ўтилган машгулотларни нечоғли ўзлаштирганликлари билан аниқланади ва таълим жараёнининг қонуниятлари, муайян жамиятнинг комил шахс, компетент инсон борасидаги тушунчалари билан қатъийлашади. Ривожланаётган педагогик-психологик талабларга кўра замонавий дарс - таълимнинг тарбиявий

мақсадларга бүйсундирилган, үқувчини комил шахс сифатида шакллантиришга йұналтирилган, илмий ва изчил, тарбияланувчининг фаоллиги ва мустақиллигини таъминлашга қаратылған, инсонпарварлық йұналишига эга, тизимли, билимларни онгли равишда үзлаштиришга қаратылған, амалий аҳамиятта әгалиги билан изохланади. Демак, таълим муассасаларининг үқув-тарбиявий жараённан замонавий үқитиши услублари интерфаол-интеректив услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Таълим жараёнларида STEAM технологияларидан фойдаланиш давр талабига айланмоқда. STEAM - S - science, T - technology, E - engineering, A - art ва M - math, яъни табиий фанлар, технология, мұхандислик, санъат ва математика. Бу йұналишлар дунё ҳамжамиятида етакчи бўлиб, асосий тенденциялардан бири сифатида ривожланмоқда. STEAM таълими йұналиши ва амалий ёндашувни қўллаш, шунингдек, барча бешта соҳани ягона таълим тизимиға интеграциялашувига асосланган. Унинг асосий ғояси - амалиёт назарий билимлар сингари мұхимдир. Яъни, ўрганиш пайтида биз нафақат миямиз билан, балки қўлимиз билан ҳам ишлашимиз керак. STEAM ёндашувининг асосий фарқи шундаки, болалар турли хил мавзуларни мұваффақиятли ўрганиш учун ҳам мияни, ҳам қўлларини ишлатадилар. Улар олган билимларни ўзлари “уқиб оладилар”.. Масалан тўғри тўртбурчак диагоналларини уй пойдеворини қуришдаги жараён билан, ёки аралашмага оид масалаларда сувнинг турли ҳолатлари, ҳаракатга оид масалаларда йұналишга боғлаш орқали тушунтириш мұхимдир. Бунинг ечими эса масалаларни ҳаётий жараёнлар билан боғлаш, үқувчилар тасаввурини бойитиши ва дарсда кўргазмаликдан унумли фойдаланишдадир.

Сингапур таълим тизимиға эътибор берадиган бўлсак, таълимда катта ҳажмдаги үқув материалини ўрганишга эмас, балки киритилаётган математик атама ва фактларни тушуниш чукурлигига эътибор бериш билан бирга, таълим жараёни муайян амалий тажрибадан бошланади ва абстракт тушунчаларга томон борилади, жуда катта эътибор (model drawing) моделлаштиришга қаратилади, ҳамкорликда ўрганиш ва ўзаро мұлоқотга катта эътибор берилади ва ҳар бир мавзу чукурроқ ўрганилади, үқувчиларни эслаб қолишга эмас, масала ечиш (problem solving)га ўргатилади.

Маълумки, математика фанининг ўрганадиган обьекти материядаги нарсаларнинг фазовий шакллари ва улар орасидаги миқдорий мұносабатлардан иборат бўлиб шакллар орасидаги миқдорий мұносабатларни аниқлашда изланишининг илмий методларидан восита сифатида фойдаланилади. Булар тажриба ва кузатиш, таққослаш, анализ ва синтез, умумлаштириш, конкретглаштириш, классификациялаш методларидир. Фанлараро боғланишда бу методларнинг моҳияти, үқувчидаги мустақил холосалар чиқаришга интилиш туйғусини ўйғотиш, математик тушунчалар орасидаги алоқалар, хоссалар ва уларнинг ўзаро мұносабатларини таниб олиш, кундалик турмушдаги вазиятларда ва бошқа фанларда математиканы қўллаш, математик тасдиқни турли шакл ва кўринишларда тасвириш, масалани ечиш учун тегишли математик тасвириш усулини танлаш ва бир кўринишдан икинчى кўринишга ўтказиш, табиат ва жамиятдаги ҳодиса ва жараёнларни тушунтириш ҳамда моделлаштириш учун турли математик тасвириш усууларидан фойдаланишдан иборат.

Машғулотлар қизиқарли бўлиши учун, бу машғулотлардаги ҳар бир масала сўзма сўз куруқ ёдлаш учун эмас балки уларнинг олий фаолиятларини ишга соладиган характерда бўлиши эвристик метод асосида амалга оширилади, яъни масаланинг қўйилишини тушуниш, масаланинг ечиш режасини тузиш, тузилган режани амалга ошириш, орқага назар ташлаш (ҳосил қилинган ечимни текшириш). Бу режани амалга ошириш давомида үқитувчилар масалада нима номаълум, масалада нималар маълум, масаланинг шарти нималардан иборат, илгари шунга ўхшаган масалалар ечилганми, агар шунга ўхшаган масалалар ечилган бўлса, ундан фойдаланиб қўйилаётган масалани еча оладими каби саволларга жавоб топадилар. Бу режа үқувчиларнинг ижодий фикрлаш фаолиятиларни шакллантиришнинг бирдан бир йўли бўла олмайди.

Таълим жараённага янги педагогик технологияларни қўллаш үқувчи камолотини таъминлашга хизмат қиласи, мустақил фикр юритиш, ахборотлардан тўғри фойдаланиш, ўз устида ишлаш, умуман олганда компетенцияларни ривожлантиради. Бугунги кунда таълимда дидактик ўйинлардан фойдаланиш оммалашыб бормоқда. Ўйин үқувчи учун табиий ҳолат бўлиб, у ўзини эркин хис қилиб, тортичоқликни унутади, демак дарсларда дидактик ўйинларни тадбиқ қилиш үқувчидаги психологик ҳолатни фаоллаштириб ақлий фаолиятини ривожлантириб, қизиқишини ортиради, үқувчилар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто

хулосаларни ҳам ўzlари келтириб чиқаришларига замин яратади. Ўқувчилар ўйин вақтида топширикларни тўғри ва тез бажаришга, ғалаба қозонишга биргалиқда ҳаракат қиласидилар, бу эса дарсда ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорликда ишлашларига, дикқатнинг ошишига, хотиранинг кучайишига интеллектуал, эркин фиклашни ривожлантирилишига, ўз фикрини асослаб беришга интилишига, ўзгалар фикрини тинглай олишига, муаммолар ечимини топишга ҳаракат қилишига, ижодий ва ахлоқий тараққиётга олиб келади. Бу жараёнда ўқитувчи бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажарса, ўқувчи асосий фигурага айланади ва улардан мустақиллик, ижодкорлик ва иродавий сифатлар талаб эилади. Бу метод кўплаб ижобий томонларига эга ва бир вақтнинг ўзида бир неча иш бажарилади:

- эгалланган билимларни текшириш;
- янги билимларни эгаллаш ва амалиётда текшириб кўриш;

Дидактик ўйин ўқувчиларга билим бериш мақсадида қўлланилиб, дарснинг умумий мақсадларига буйсундирилади ва маълум қоидаларга буйсунган ҳолда ўйин шакли оркали амалга оширилади. Ўқувчи ўйинда қатнашиш жараёнида билим олади, кўникма ва малака ҳосил қиласиди, таянч компетенциялари шаклланади. дарсда ташкил этиладиган ўйин қуидаги тартибда амалга оширилади:

- 1) Ўйин номи ва мақсади эълон қилинади;
- 2) ўйиннинг тартиби ва ўқувчиларнинг вазифаси тушунтирилади;
- 3) ўқувчилар гуруҳларга бўлинади;
- 4) ўйин қандай баҳоланиши тушунтирилади.


Таълим жараёнида компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларда фан тушунчаларни шакллантириши ва ривожлантириши асосини назарий билимлар ва ўқитувчи томонидан ташкил қилинадиган ва бошқариладиган ўқувчининг таянч компетенциялари хисобланади, бунинг замирида ўқувчиларнинг мактабгача ва мактабдан ташқари эгаллаган ҳаётий тажрибаларига ва билимларига алоҳида эътибор бериш жуда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг билан биргалиқда фанлараро алоқадорликни таълим жараёнида қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Масалан “географик узоқлик” тушунчаси таълим жараёнида ўрганиладиган физика, астрономия, математика, география каби ўкув фанларида қўлланилади. Шунга ўхшаш тушунчалар фанлараро боғланишни татбиқ қилишни, яъни ҳар бир фан бўйича ўрганиладиган тушунчаларнинг умумий қисмини аниқлашни тақозо этиб, фанлараро умумлашган тушунчаларга асос бўла олади.

Умумий ўрта таълим мактабларида, ўқувчилар мактабгача ва мактабдан ташқари эгаллаган тушунчалари мактабда эгаллаши лозим булган тушунчалар билан мос тушмаслиги, унинг нотўғри шаклланишига сабабчи булиши мумкин. Кўпинча турмуш тажрибасида эгаллаган тушунчалар белги (аломат)ларга таянмаган ҳолда намоён булади. Бу ҳол илмий тушунчаларнинг туғри шаклланишига салбий таъсир қилишига олиб келади.

Замонавий технологиялар қўлланилган машғулотлар ўқувчилар эгаллаётган билимларни қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хулосаларни ҳам ўzlари келтириб чиқаришларига қаратилган. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бирга, бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бундай ўкув жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади. Ўқув-тарбия жараёнида педагогик технологияларнинг туғри жорий этилиши ўқувчиларнинг бу жараёнда асосий ташкилотчи бўлиши сабабли, улардан кўпроқ мустақилликни, ижодни ва иродавий сифатларни талаб этади. Ҳар қандай педагогик технологиянинг ўқув-тарбия жараёнида қўлланилиши шахсий характердан келиб чиқсан ҳолда, ўқувчини ким ўқитаётганлиги ва ўқитувчи кимни ўқитаётганлигига боғлиқ.

Педагогик технология асосида ўтказилган машғулотлар ўқувчиларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади. Янги билимлар ўқувчи томонидан нафақат мактабда, шу билан бирга ундан ташқарида эгаллаган билимлар асосига қурилади. Кўпгина математик тушунчалар ўқувчиларга турмушдан уларни ўраб олган муҳитдан таниш.

Масалан, бурчак, чизик, қўшни, ўткир, ўтмас ва ҳоказо тушунчаларнинг турмушдаги маъноси айрим ҳолларда унинг илмий маъноси билан мос тушиши, айрим ҳолларда бунинг акси бўлиши мумкин. Тажрибаларлардан бирида, яъни «*Ўткир ва ўтмас бурчаклар*» мавзусини тушунтиришда ўқитувчи доскага ҳар хил катталикдаги бурчакларни чизиб ўқувчилардан «Мен доскага нима чиздим?» деб сураган заҳотиёқ, ўқувчилардан бири «*Ўткир бурчак*» деб жавоб берди. Шунда ўқитувчи «*Ўтири*, ҳали ўткир бурчак темасини ўтганимиз йўқку, ўткир бурчакни бугун ўрганамиз», деб ўқувчининг ҳафсаласини қайтариб ташлади, лекин ўқитувчи ўқувчини тушунчани ўрганганлигини англаб олқишилаб қўшимча яна мотивация бериши лозим эди. Муайян хоссаларга эга бир нечта бир жинсли элементларни умумий хусусиятларига кўра битта мустақил обьектга бирлаштирувчи . Кластер (инглизча *Cluster* – боғлам) методини дарс жараёнида қўллаш муҳим аҳамият касб этади, уни ўзбек тилида “**Тушунчалар боғлами**” деб ҳам аташ мумкин. Кластер (тушунчалар боғлами) методи ўкув материалини кўргазмали, схематик тарзда тасвирлашдан иборат бўлиб, у ўрганилаётган у ёки бу тушунчалар ҳақида тасаввурга эга бўлишга, уларни тушунишга ва уларнинг таркибий қисмлари ва ўзаро боғланишларини яққол тасвирлашга ёрдам беради. Бу билан мазкур метод хотирани ривожлантиришга ва ўқувчининг ўз билимларини ўзи баҳолашига ҳам ёрдам беради. Натижада мавзуга оид тушунча ва фактларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқловчи схема пайдо бўлади. Бу схема мавзу мазмунини схематик тасвирлаб, уни яхшироқ тушунишга ёрдам беради.



## 2. Математик домино ўйини.

$(-0,3)^2$	$(2+a)^2$
------------	-----------

0,09	$a^2 - 4 + 4a$
------	----------------

$4 + 4a + a^2$	$-0,3^2$
----------------	----------

$(a-2)^2$	- 0,09
-----------	--------

Мисолларга мос жавоблар домино тошлари каби терилади.

## 3. Математик ребус ўйини.

3	+	x	+	4	=	10
+		-		+		-
2	-	5	+	y	=	2
+		+		-		+

z	+	2	-	7	=	3	
=		=		=			
13	+	0	+	2	-	=	11

Номаълумларни топинг, жавобларни горизонтал ва вертикал тенгламаларни тўғри тенгликка айлантиришини текширинг.

#### 4. Шахмат доскаси ўйини.

$5/2$	$(\kappa-e)^2$	$1+6a+9a^2$
$(3+a)^2$	$16-e^2$	$1^{100}$
$-5a+4-3\vartheta+a$	$2x-$ $7=2(x+5)$	$-14-5+12-$ $17$

Бу ўйин уй ишини текшириш ёки ўтилган мавзуни мустаҳкамлашда фойдаланилади. Ҳар бир саволнинг жавоблари икки хил рангдаги стикерларда ёзилган бўлади, бир хил жавоб икки марта тақорланиши мумкин фақат турли ранглардаги стикерларда. Ўқувчининг вазифаси тўғри жавобни топиш билан бирга, ўйиннинг номига ҳам эътибор қаратишдан иборат. Саволларни фанлараро боғланишда ҳам тузиш мумкин.

#### 5. Тўғрисини топ ўйини.

A) ички бурчаклари йигиндиси $180^0$ га teng.	бурчак	C
B) қарама қарши томонлари параллел тўртбурчак	Тенг ёнли	D
C) бир нуқтадан чиқувчи икки нурдан ташкил топган шакл	учбурчак	A
D) икки томони teng бўлган учбурчак	кесма	E
E) икки нуқта орасидаги масофа	параллелограмм	B

Таълим жараёнида интерфаол таълим технологияларини қўллаш- ўқувчилар қобилиятларини ривожлантириш, тенгдошлари фикрини эшлиши ва ҳурмат килиш, хатолари устида ишлаш ва тўғирлаш, ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқариш, фикр мулоҳазаларни ҳимоя қилиш, самарали меҳнат қилиш, тенгдошлари билан ишлаш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, ўз таклифларни илгари суриш, топшириқнинг ечимини топишга ҳаракат қилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби қобилиятларни шакллантириб, ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнидаги аниқ мақсадга эришиш йўлида ҳамкорликка асосланган таълимни ривожлантиради.

**Хуноса.** Интерфаол таълим технологиялари ўқувчиларда билимларни ўзлаштиришга бўлган кизиқишини уйғотиб, ҳар бир иштироқчини рағбатлантиради, ўқув материалининг самарали ўзлаштирилишига, ҳамда ўқувчиларда мавзулар бўйича фикр ҳамда мулоҳаза уйғотади, ҳаётй зарур кўникма, малакаларни шакллантиради.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

- Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни

2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёrlаш миllий дастури» Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.– .: Шарқ нашриёт – матбаа концерни, 1997. – 31 – 64 б.

4.Tursunaliyevna X. S. NEW INNOVATIVE IDEAS IN TEACHING BIOLOGY //Journal of Ethics and Diversity in International Communication. – 2021. – Т. 1. – №. 1. – С. 31-32

5. Юнусова Д. Математикани ўқитишнинг замонавий технологиялари. Дарслик. – Т.: Fan va texnologiya, 2011. – 200 б..

6. Н.Турдиев ва бошқ. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларга компитенцияларни шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари. Тошкент. 2017, “Нисо Полиграф”. 88-93 б.

7. Э.М.Браверман. Преподавание физики, развивающее ученика. Москва. 2003. “Ассоциация учителей физики”.

8.Абдуқодиров А.А. ва бошқалар. «Case-stady» услуби: назария, амалиёт ва тажриба.-Т.: Тафаккур қаноти, 2012.-134 б